

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат  
педагогика институти ректори  
Г.И. Мухамедов



» \_\_\_\_\_ 2019 йил

ТАРИХ ВА ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
2020 ЎҚУВ ЙИЛИГА “ЧЕТ (ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ) ТИЛИ” ФАНИ  
БЎЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА КИРИШ ИМТИХОНИ  
ДАСТУРИ

ТУЗУВЧИЛАР:

Жумабаева Ж.Ш., ф.ф.д., профессор

Юсупова Ш.Б., ф.ф.н., доцент

## КИРИШ

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майда қабул қилинган 304-сонли қарори “Олий ўқув юртидан кейинги таълим”га асосан тузилди.

Ушбу дастур инглиз, немис ва француз тилларидан имтиҳон топширадиган таянч докторантура (PhD)га кирувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда тадқиқотчилар ўз илмий тадқиқот ишларини чет тилларида оғзаки баён қилиб бериш кўникмаси, мутахассисликка оид матнни тушуниб ўз она тилга таржима қила олиш ва берилган публицистик матнни чет тилида гапириб бериш компетенциялари аниқланади.

Мамлакатимизда илм ва фаннинг ривожланиши ва чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорини амалга оширишда бошқа фанлар билан бир қаторда чет тилларнинг ҳам муҳим ўрни бор. Чунки, дунёда мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан алоқа ўрнатишида чет тилларининг вазифаси ҳам муҳимдир.

Дастурда келтирилган ушбу топшириқлар талабгорларни хорижий тилларда билимларини баҳолашда муҳим ўрин тутди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**Мазкур дастурнинг мақсади** таянч докторантура инглиз, француз ва немис тили фанларидан В1 билим даражасини аниқлашдан иборат.

**Дастурнинг вазифаси** изланувчиларнинг чет тилларида эшитиш кўникмаларини аниқлаш;

– илмий мавзуси бўйича мустақил фикрини баён этиш компетенциясини аниқлаш;

– оғзаки суҳбатга киришиш билимини баҳолаш;

– лексик ва грамматик билим даражасини аниқлаш;

– оригинал матнни ёзма таржима қила олиш билимини баҳолаш;

– оригинал матннинг асл маъносини тушуниш кўникмасини аниқлашдан иборат.

### Грамматика ва лексик компетенция

#### Актив грамматик минимум

– дарак, инкор, шаклдаги феъл ва от-кесимли содда гапларнинг қўлланилиши;

– буйруқ майли, инкор шаклининг қўлланилиши;

- аниқ ва ноаниқ артикларнинг қўлланилиши;
- модал феълларнинг қўлланилиши;
- феълнинг шахссиз шакллари;
- мажхул нисбатнинг қўлланилиши.

### **Пассив грамматик минимум**

- герундий, сифатдош, равишдошли қурилмаларнинг ясалиши.

### **Лексик компетенция**

- касбий лексика ва терминларни ишлата олиш;
- коммуникатив вазиятларда мавзуга оид бўлган лексикани ишлата олиш;
- интернационал сўзларни тушуниш ва қўллай олиш;

### **Гапириш компетенцияси**

- фикрини аниқлаштириш, қайтадан тузиш ва баҳс мунозара ривожига ўз хиссасини қўшиш;
- ўз мутахассислиги ва илмий йўналиши юзасидан эркин ва мустақил фикр баён эта олиши;
- вазиятларга қараб саволлар бериш ва берилган саволларга жавоб қайтариш;
- аниқ масалалар бўйича ахборот бера олиш;

### **Баҳолаш мезонлари**

Докторантурага киришда чет тили бўйича синов ёзма ва оғзаки равишда ўтказилиши белгиланган.

1. Ўқиш ва тушуниш компетенциясини аниқлаш учун 500-1000 сўздан иборат мутахассисликка оид матн берилади ва матн таржима қилинади.(25)
2. Публицистик матнни тушуниб гапириб бериш. (10 минут)
3. Оғзаки нутқ кўникмасини баҳолаш учун илмий шахсий қизиқишлари, илмий соҳага йўналтирилган саволлар берилади (5 минут)

Ҳар қайси топшириққа ёзган жавоби қуйидагича баҳоланади:

<b>Ҳар бир савол учун баҳо</b>	<b>Жавобга қўйиладиган талаблар</b>
“86-100”	Қўйилган саволга тўлиқ жавоб берган. Назарий жиҳатларини ёритишда хатолик ва чалкашликка йўл қўйилмаган. Мустақил равишда мушоҳада юритиб баён этилган. Амалий мисоллар билан асослаб баён этилган. Хулосани тўғри шакллантирган. Фикрлар эркин баён этилган.
“71-85”	Саволнинг моҳиятини тушунган. Жавобни ёритиб бера олган. Амалий мисоллар келтирилган. Тасаввурга эга. Қисқача хулоса берган. Фикрларни содда баён этган.
“55-70”	Савол моҳиятини тушунган. Жавоб ёритилган, қисқа шаклда. Мисоллар билан асосланмаган. Хулоса қилинган.
“0-54”	Саволнинг айрим элементларигина ёритилган, ёки умуман ёритилмаган. Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас.

### **Фойдаланилган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

#### **Инглиз тилдан асосий дарсликлар**

1. Назарова Д. Инглиз тил дарслиги. Тошкент, 2015.
2. Юсупов Э. Инглизча-грамматик диоформалар. Тошкент, 2015.
3. Юсупов Ў. Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма. Тошкент, 2011.

#### **Француз тилидан асосий дарсликлар**

1. Аликулова Д. Француз тил дарслиги. Тошкент. 2012.
2. Илия Л.И. Пособие по грамматике современного французского языка. М., 1989.
3. Илия Л.И. Грамматика французского языка. М., 1964.
4. Ширинова Р.Х. Француз тил дарслиги. Тошкент. 2015.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Гак В.Г. Француз тили назарий грамматикаси. Самарқанд-2002.
2. Реферовская Е.А., Васильева А.К. Теоретическая грамматика французского. Т.1,2 (на французском языке). Л., 1973.

#### **Немис тилидан асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

1. Абдуллаева А.Б., Мирсодиқов Д.Р. ва бошқалар. Deutsch. Тошкент, 2009
2. Tangram aktuell 1. Lektion 1-4. Kursbuch und Arbeitsbuch. Ismaning, 2005
3. Саидов С. Deutsche Grammatik in Übungen. Тошкент, 2003

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Маматов М., Исмаилов Ю. Ва бошқалар. Deutsche für Hochschulen. Тошкент, 2003
2. Monika Bovermann Sylviette – Hiemesta. Schritte Internationale. Hueber Verlag Deutschland, 2012

## **Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика 2020 йилги таянч докторантура қабули учун Хорижий тиллар бўйича имтиҳон комиссияси таркиби**

### ***Хорижий тиллар бўйича***

Раис: Жумабаева Ж.Ш., ф.ф.д., профессор

Котиб: Юсупова М.А.

Аъзолар: Юсупова Ш.Б., ф.ф.н., доцент

Садуллаева Н.А., ф.ф.н., доцент

Имяминова Ш.С., ф.ф.н., доцент